

# **7-МАВЗУ: ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ АСОСИДАГИ ТЕХНОЛОГИЯ**

- 1. Ўқув жараёнини режалаштириш ва мувофиқлаштириш.**
- 2. Ўқув жараёнини мониторинг қилиш.**
- 3. Ўқув жараёнини таҳлил қилиш.**

# Ўқув жараёнини режалаштириш ва мувофиқлаштириш

Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш, давлат таълим стандарти талабарини татбиқ этиш, профессор-ўқитувчиларнинг тақсимоти ҳамда ўқув фанлари бўйича мавзулар режаларини тузиш учун асос бўладиган маълумотларни тайёрлаш, кафедраларда ўқув йили ва семестрлар бўйича ўқув юкламаларининг бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш, кундузги таълим учун барча турдаги ўқув машғулотларини самарали ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Таълим жараёнига амалдаги ўқув режалари, Илмий кенгаш қарорлари, Давлат таълим стандартларини татбиқ этиш, янги ўқув режалари ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ўқув юкламалари, оралиқ ва якуний назорат ҳамда Якуний давлат аттестацияси комиссияси жадвалларини тузиш, бўлимнинг ўқув йилига мўлжалланганиш режаси, ўқув жараёнининг жадвали ҳамда ўқув йилига мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режаси, педагогик назорат ва машғулотларга ўзаро қатнашиш ҳамда умумакадемик очик машғулотлар жадвалларини тузишдан асосий кўрсаткич ҳисобланади.

## **Ўқув жараёнини мониторинг қилиш**

Кундузги таълим давомати, ўқув фанларини ўзлаштириш борасида маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил ва назорат қилиш, давлат аттестация комиссиялари фаолиятини ташкил этишга доир тадбирларни амалга ошириш, ўқув режасининг бажарилишини, мустақил таълимнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш, раҳбариятининг кўрсатмаларини талабаларга етказишдан иборат. Бундан ташқари, кафедралар, бошқа олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ташкил қилиш, назорат қилиш бўйича илғор усулларни ўрганиш ва ўқув жараёнига жорий этиш билан шуғулланиш муҳим вазифалардан биридир.

## **Ўқув жараёнини таҳлил қилиш**

Таълим-тарбияга оид фаолиятни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлашни ташкил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш соҳасида қонунчиликни ва ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хизмат фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш бўйича комплекс бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш, таркибий тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ҳамда уларнинг комплекс текширилишини ташкил қилиш, таркибий тузилмаларида таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатаётган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.